

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИРИМОВ БЕКЗОД МУРАТБАЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИ ВА УНИНГ ҲАЛОКАТИДАН СЎНГ ЯҚИН ВА ЎРТА
ШАРҚДА ҚОЛГАН ХОРАЗМЛИКЛАР ТАҚДИРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдиримов Бекзод Муратбаевич

Жалалиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ва унинг халокатидан сўнг Яқин ва Ўрта Шарқда қолган хоразмликлар тақдири.....3

Абдиримов Бекзод Муратбаевич

Борьба Джалилидина Мангуберды против монголов и судьба хорезмийцев, оставшихся на Ближнем и Среднем Востоке после его гибели.....25

Abdirimov Bekzod Muratbaevich

Jalal ad-Din Mangburni's Struggle against the Mongols and the Fate of the Khorezmians in the Near and Middle East after his Death.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИРИМОВ БЕКЗОД МУРАТБАЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИ ВА УНИНГ ҲАЛОКАТИДАН СЎНГ ЯҚИН ВА ЎРТА
ШАРҚДА ҚОЛГАН ХОРАЗМЛИКЛАР ТАҚДИРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2023

Тарих фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Таг750 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://urdu.uz>) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Машарипов Кудрат Юлдашевич,
тарих фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Сарьбаев Маман Ктайбекович,
тарих фанлари доктори, доцент,

Яхшиев Анвар Жўракулович,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021. Таг.55.05 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «19» Февраль соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16;

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (653 рақам билан рўйхатга олинган). (220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил « 07 » Февраль куни тарқатилди.
(2023 йил « 07 » Февраль даги 4 рақамли реестр баённомаси.)



С.Р.Давлетов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор,

Я.А.Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, (PhD), доцент,

У.И.Абдуллаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши миллатлар ва халқларнинг миллий ўзлигини англашга бўлган интилишини, уларнинг этник шаклланиши билан бирга, миллий давлатчиликнинг ривожланиш жараёнларини ўрганишни долзарб масала қилиб қўймоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан бу борада қатор йирик анжуманларнинг ўтказилаётганлиги ҳамда қўллаб-қувватланиши мавзуга бўлган қизиқишни янада оширади. Шу билан бирга, Ватан озодлиги учун курашган миллий қаҳрамонларнинг фаолиятини, уларнинг минтақа миқёсида кечган сиёсий жараёнлардаги ўрнини ўрганиш ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Дунёда Шарқ цивилизациялар тарихи, хусусан, давлатчилик, этносиёсий ва миграцион жараёнлар тарихи, кўчманчи халқларнинг цивилизациялар тақдирига таъсири, турли этник бирликларининг дунё тарихида тутган ўрнини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хоразмшоҳ Султон Жалолоддин Мангубердининг мўғул истилочиларга қарши Марказий Осиё ва Яқин Шарқда олиб борган курашлари, унинг вафотидан кейинги хоразмликларнинг тақдири, бир қанча Шарқ мамлакатларида кечган сиёсий ва этник воқеалар билан боғлиқ тарихий-сиёсий ва этник-миграцион жараёнларни янгича асосда *ўрганишга* қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатда Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мустақил, иродали, фидокор ва ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялашда миллий қаҳрамонларнинг ватанпарварлик жасоратини ўрганиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, “Жалолоддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, шу йўлда азиз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг буюк намояндасидир. Она юртга муҳаббат ва садоқат, орномус ва шон-шараф бобида Жалолоддин Мангубердига тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди”¹. Бу эса Жалолоддин Мангуберди шахси ва унинг ҳарбий, сиёсий фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августдаги 110-II-сон “Жалолоддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги 408-сон “Жалолоддин Мангуберди

¹ Мирзиёев Ш. Султон Жалолоддин ҳамиша юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади. // <https://president.uz/uz/lists/view/5466>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги 336-Ф-сон “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ҳамда соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жалолиддин Мангуберди ва унинг мўғулларга қарши кураши тарихига оид тадқиқотларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Ўзбекистонда олиб борилган илмий изланишлар, иккинчи гуруҳга хорижда эълон қилинган тадқиқотлар киради².

Ўрганилаётган мавзу юзасидан собиқ совет давридаги тадқиқотларда тизим мафқураси таъсирида Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар босқинчилигига қарши фаолиятига паст баҳо берилиб, хорижлик тарихчиларнинг асосий эътибори Чингизхонга қаратилган ҳолда унинг ҳарбий тарихини ўрганиш жараёнида Жалолиддин Мангубердига қисман эътибор қаратилган. Арман ва грузин тадқиқотларида эса Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳарбий қисмлари тамомила босқинчи сифатида гавдалантирилган. Ўзбекистонда бажарилган тадқиқотларда асосан Жалолиддин Мангубердининг ҳалокатигача бўлган давр ўрганилиб, хоразмликларнинг тақдири борасидаги тадқиқотларнинг бажарилмаганлиги, бу борада Туркияда кўплаб илмий изланишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Умуман олганда, Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ва унинг ҳалокатидан сўнг Яқин ва Ўрта Шарқда қолган хоразмликлар тақдири алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида фаоллар билан ўтказилган йиғилиши 17-сонли баёнининг 96-97-бандлари ижроси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ва унинг ҳалокатидан сўнг Яқин ва Ўрта Шарқда қолган хоразмликлар тақдири тарихини очиб беришдан иборат.

² Мавзу бўйича манбалар ва адабиётлар таҳлили биринчи бобда батафсил ёритилган.

Тадқиқотнинг вазифалари. Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ва Яқин Шарқда қолган хоразмликлар тарихи ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар маълумотларини таҳлил этиш;

Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг хоразмликларга таъсирини очиб бериш;

1231-1237 йилларда хоразмликларнинг Кичик Осиёдаги фаолиятини ёритиш;

1237-1260 йилларда хоразмликларнинг Яқин Шарқ ва Мисрдаги сиёсий-ҳарбий ҳаракатлари таҳлил қилиш;

Анадолу ва Сурия ҳудудларида қолган хоразмликларнинг кейинги тақдирини манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ва ундан сўнг Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида қолган хоразмликлар фаолияти, кейинги тақдири, уларнинг турли элатлар билан муносабатлари билан боғлиқ бўлган муаммолар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети. Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши, унинг ҳалокатидан сўнг Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларидаги жараёнлар, хоразмликлар тақдири масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, тизимлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Жалолиддин Мангубердининг Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ҳукмдорлари ва ҳатто баъзи душманлари томонидан мўғулларга қарши ўзига хос “ҳимоя девори” сифатида эътироф қилинишидан келиб чиқиб, замонавий тарихшуносликда ушбу жараёнларни мазкур ҳудудлар халқларининг озодлик учун олиб борилган курашлари сифатида баҳолаш мумкинлиги асосланган;

мўғулларнинг Хоразмшоҳлар сулоласи аъзолари ва яқин қариндошларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларига қарамасдан, сулола аъзолари Хоразмшоҳлар давлати парчаланиб кетгандан кейин ҳам Мисрда (Сайфиддин Қутуз), мўғуллар давлатида (Туркон) ўз сиёсий фаолликларини давом эттирганлиги, Анадолуда эса Жалолиддин Мангубердининг саркардалари ва издошлари (Сарухон ва бошқа саркардалар) бир неча сулолаларга асос солиб, сиёсий жараёнларда муҳим ўрин тутганлиги далилланган;

Жалолиддин Мангубердининг ҳалокатидан сўнг унинг ҳарбий қисмлари Кичик Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалиб, уларнинг авлодлари бугунги кунгача шу ҳудудларда яшаётганликлари, ўзларининг хоразмликлар авлоди эканлигини унутмаганликлари (“ҳорзумлу” (*Харземли, Ҳерзем, Ҳарзам*) номли топоним ва этнонимлари) илмий ва дала тадқиқотлари натижасида ва этно-географик хариталар орқали аниқланган;

баъзи замонавий тадқиқотларда шу пайтгача Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳалокатидан сўнг Яқин Шарқда қолган хоразмликларга нисбатан шаклланган ноҳолис фикрларнинг Жалолиддин Мангуберди ёки хоразмликларга рақиблари томонидан шу даврдаги сиёсий мафкура ва диний қарашлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб билдирилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан Туркия ҳудудида яшаб қолган хоразмликларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид манбалар ва ҳужжатлар илк бора илмий муомалага киритилган;

тадқиқот натижалари Хоразм тарихи ва маданияти музейи фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, ҳарбий соҳа тарихи ва этнографияга оид музей фондларини янги маълумотлар ва экспонатлар билан бойитишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий ва ўрта махсус ўқув муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида Жалолиддин Мангубердининг фаолияти юзасидан маъруза, семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш юзасидан таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фани соҳасида тан олинган назарий ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, бирламчи манбалар бўлган ёзма манбалар ва илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг натижалари ва оқибатлари моҳиятини ўрганишга, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида қолган хоразмликларнинг мазкур ҳудудларда кечган сиёсий ва этник жараёнлардаги тутган ўрни ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврини, ҳарбий-сиёсий ва давлатчилик тарихини ўрганишда ҳамда тарихий билимларни ривожлантиришда, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим тизимида Жалолиддин Мангубердининг фаолияти дарслик, ўқув қўлланма ва методик ишланмаларни яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Жалолиддин Мангубердининг Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ҳукмдорлари ва ҳатто баъзи душманлари томонидан мўғулларга қарши ўзига хос “ҳимоя девори” сифатида эътироф қилинишидан келиб чиқиб, замонавий тарихшуносликда ушбу жараёнларни мазкур ҳудудлар халқларининг озодлик учун олиб борилган курашлари сифатида баҳолаш мумкинлигига асосланган хулосаларидан Хоразм Маъмун академиясида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1 ФА-0-16549 “Хоразм тарихи (I жилд энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 27 сентябрдаги №3/1255-2389 – сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши Жалолиддин Мангубердининг Яқин ва

Ўрта Шарқ ҳудудларида олиб борган курашлари тарихининг моҳияти ва унинг аҳамиятини ўрганиш учун кенг имконият яратган.

Мўғулларнинг Хоразмшоҳлар сулоласи аъзолари ва яқин қариндошларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларига қарамасдан, сулола аъзолари Хоразмшоҳлар давлати парчаланиб кетгандан кейин ҳам Мисрда (Сайфиддин Қутуз), мўғуллар давлатида (Туркон) ўз сиёсий фаолликларини давом эттирганлиги, Анадолуда эса Жалолиддин Мангубердиннинг саркардалари ва издошлари (Сарухон ва бошқа саркардалар) бир неча сулолаларга асос солиб, сиёсий жараёнларда муҳим ўрин тутганлиги ҳақидаги натижаларидан республика миқёсида ёшлар ва ҳарбийлар ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида, Маънавият ва ҳарбий ватанпарварлик фестивалларини ўтказиш жараёнларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2022 йил 18 апрелдаги 64-сон маълумотномаси). Натижалар мўғул босқинчиларига қарши курашда Жалолиддин Мангубердиннинг ўрнини тўлақонли ва ҳаққоний тушуниш имконини берган;

Жалолиддин Мангубердиннинг ҳалокатидан сўнг унинг ҳарбий қисмлари Кичик Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалиб, уларнинг авлодлари бугунги кунгача шу ҳудудларда яшаётганликлари, ўзларининг хоразмликлар авлоди эканлигини унутмаганликлари (“Ҳорзумлу” (Ҳарземли, Ҳерзем, Ҳарзам) номли топоним ва этнонимлари) илмий ва дала тадқиқотлари натижасида ва этно-географик хариталар орқали аниқланган натижалардан 2021 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалда “Мавзу” туркумидан эфирга узатилган “Жалолиддин Мангуберди жасорати” телекўрсатуви, 2022 йил 2 февраль куни намойиш этилган “Манбалар сўзлаганда” кўрсатувлар сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston teleradiokanali”нинг 2022 йил 18 апрелдаги №40-40-167-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати ҳақидаги билимларини хусусан Жалолиддин Мангубердиннинг мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашганлиги уларнинг ватанпарварлик жасоратлари билан боғлиқ тасаввурларининг кенгайтишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган 6 та мақолада ўз аксини топди. Уларнинг 3 таси республика нашрларида, 3 таси хорижий журналларда, қолганлари халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳалокатидан хоразмликларнинг кейинги тақдири ҳақидаги ёзма манбаларда акс этган маълумотлар таҳлил қилиниб, мавзунинг тарихшунослик асослари ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ёзма манбаларда акс этган маълумотлар таҳлили”** деб номланган биринчи параграфида Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар босқинчилигига қарши озодлик ҳаракати ва унинг ҳалокатидан сўнг Яқин Шарқда қолган хоразмликларнинг кейинги тақдири тўғрисида хабар берувчи араб ва форсий ҳамда баъзи усмонли турк тилида ижод қилган тарихчилар асарлари³, ғарб манбалари, жумладан, арман, грузин тарихчилари ҳамда

³ Ibnül Esir. Islam tarihi. Turkcha tarjiması. – Istanbul: Hikmet neşriyatı, 2016. J. 10; Muhammad an-Nasawi. History of Jalal-ad-Din Mankobirti, prince of Khwarazm. Ed. with French transl. Houdas, O. (Publ. de l'École des Langues Orientales vivantes. Ser. in. ix ff.) Paris. 1891; Abdullah Bakır - Yazıcızade Ali, Tevârihi Ali Selçuk (Oğuzname, Selçuklu Tarihi) [Çamlıca~2017; Alaaddin Ata Melik Cüveyni, Tarih-i Cihan Gûşa, Çev. Mürsel Öztürk, TTK Yayınları, - Ankara, 2013; Gregory Abul Faraj (Bar Hebraeus). Abul Faraj tarihi. Cilt II. Suryanchadan Ingluzcheye cheviren Ernest Wallis Budge, turkcheye cheviren Omer Riza Dogrul. – Ankara: Türk tarih kurumu, 1999; Ibn Bibi. Anadolu selçuki devleti tarihi. M.Nurining forschâ Muxtasar Seljukname. –Ankara: **“Uzluk”**, 1941; Abdullah Bakır - Yazıcızade Ali, Tevârihi Ali Selçuk (Oğuzname, Selçuklu Tarihi) [Çamlıca~2017; Сибт ибн ал-Жавзий. Миръоту–з–замон фий таворихи–л–айъйон. Жилд 22. Байрут. Ливан. Дору-р-рисолати-л-оламия нашриёти. Нашрга тайёрловчи Иброҳим аз-Зийбақ; Muhammad ibn Solim ibn Nasrulloh ibn Solim ibn Vosil Abu Abdulloh al-Mozaniy at-Tamimiy al-Hamaviy Jamoliddin (697 h v.e). Mufarriju'l-kurub fiy axbori Bani Ayyub. Nashrga tayyorlovchi: 1-2-3 jildlar (Dr. Jamoliddin Shayyol), 4-5 jildlar (Dr.Hasanayn Muhammad Rabe' va Dr.Said Abdulfattoh Oshur.) Noshir:Doru'l-kutub va'l-vasoiqi'l-qavmiyya. Amiriy matbaasi, Qohira - Misr Arab Respublikasi. Nashr yili: 1377 h - 1957 m. 5 jild; Umar ibn Ahmad ibn Hibatulloh ibn Abu Jaroda al-Uqayliy Kamoliddin ibn Adim (660 h v.e). Zubdatu'l-halab min tarixi Halab. Hoshiya muallifi: Xalil Mansur. Noshir:Doru'l-kutubi'l-ilmiyya, Bayrut - Livan. 1-nashr. 1417 h - 1996 m. 1 jild; Maulana, Minhaj-ud-Din, Abu-'Umar-I -'Usman. Tabakat-i-Nasiri. Translated from Original Persian Manuscripts by Major H.G.Raverty. - London: "Gilbert and Rivington", 1881. Münecimbaşı, Câmiu'd-düvel: Osmanlı Tarihi, 1299-1481 (nşr. ve trc. Ahmet Ağırakça), İstanbul 1995. Фазлуллах Рашид-ад-Дин. Джами-ат-Таворих. “Нагыл Еви”. Баку. -2011; Al 'Umari: Condizioni degli stati cristiani dell' occidente secondo una relazione di Domenichino Doria da Genova", *Atti della R. Accademia dei Lincei. Classe di scienze, mor. stoheriche*, III, XI [1883]; Şihabeddin bin Fazlullah ei-Ömeri. Türkler hakkında gördüklerim ve duyduklarım. Mesaliku'l ebsar. Çeviri ve Notlar: D. Ahsen Batur. Selenge Yayınları. – Istanbul, 2014. Ibn Kesir. El Bidaye ve'n-nihaye. Cilt I-XV, Çeviren Mehmet Keskin. Çağrı Yayınları. Divanyolu, Klodfarer Cd. No: 16/1 Sultanahmet. İstanbul.1996; Abul Fido Ismoil ibn Umar ibn Kasir al-Qurashiy al-Basriy so'ngra Damashqiy (774 h v.e). al-Bidoaya va'n-nihoya. Nashrga tayyorlovchi: Ali Sheriy. Noshir: Dor ihoyi't-turosi'l-arabiy. 1-nashr. 1408 h- 1988m; ал–Мақризий. Ас–сулук лимаърифати дувалил мулук. Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Абдулқодир Ато. Дорул кутубил илмия –Ливан\Байрут. Биринчи нашр: 1418 х.й – 1997 м.й. жилд I том; Ibn Tagriberdî, el-Menheli's-safi ve'l-müstevfiba'de'l-vafi, Muhammed Muhammed Emin, Kahire: Darü'l-Kütübve'l-Vesaiki'l-Kavmiyye, 2002/1423; Ibni Tagriberdi. En-nucumu'z-zahire. (Parlayan

салиб юришлари тарихига оид асарлар⁴ қиёсий таҳлил қилинди. Шу билан бирга XV-XIX аср манбалари, жумладан, Мирзо Улуғбек, Мирхонд, Абулғози Баҳодирхон каби тарихчилар асарларида ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд маълумотлар таҳлил қилиб чиқилган.

Маълумки, бу даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар ўз ҳокимиятларини легитимлигини таъминлаш учун аждодларининг келиб чиқишини Чингизхонга ёки мўғулларга олиб бориб тақаш анъанаси мавжуд бўлган. Шу сабабдан Ўрта Осиёда мазкур даврда ёзилган воқеалар баёни асосан Чингизхон ва унинг ўғиллари томонидан Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларининг эгалланишига асосий урғу берилиб, Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий ҳаракатлари ҳақида қисман тўхталиб ўтилган.

Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши кураши ва унинг ҳалокатидан кейин ҳарбий қисмларининг фаолиятини ўзида тўлик жамлаган манбалар кам. Одатда Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ҳақида қимматли маълумотларни берадиган ан-Насавий, Ибн ал-Асир, Отамалик Жувайний, Жузжоний ҳамда кейинги даврларда ижод қилган тарихчи ва давлат арбоблари Мирзо Улуғбек, Мирхонд ва Абулғози Баҳодирхон кабилар саркарданнинг ҳалокатидан кейин унинг ҳарбий қисмлари тақдири ҳақида маълумот келтирмайди.

Иккинчи гуруҳ манбалари, яъни Рашидиддин, Ибн Касир, Абн Адим, Ибн-Биби, Язичидада Али, Сибт ибн ал-Жавзий, Макризий, Ал-Умарий, Ибн Тангриберди, Абул Фараж, Ибн Восил, Ҳамидуллоҳ Қазвиний кабилар эса ўз асарларида Жалолиддин Мангуберди даври, унинг аскарларининг кейинги тақдири ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтадилар. Усмонийлар даври тарихчилари асарларида эса хоразмликларнинг Анадолу ҳудудларидаги кейинги тарихи воқеалари баён қилинган⁵.

Мазкур тадқиқот иши мавзусига оид ғарб манбалари ҳам мавжуд. Жумладан, Киракос Гандзакецининг “Арманистон тарихи”⁶, грузин йилномаси - “Картлис Цховреба”⁷ йилномаларида ҳам қисқа бўлсада тадқиқотга доир маълумотлар мавжуд. Арман қироли Хетум топшириғига кўра тарихчи

Yildizlar). Arapçadan Çeviri: Ahsen Batur. Selenge Yayınları. Istanbul. 2013; Ибн Баттута. Саёҳатнома. – Тошкент: 2012. 688 б.

⁴ М. М. Стасюлевича. Монголы и завоевание Иерусалима ховарезмийцами. Хроника Матвея Парижского // История Средних веков в ее писателях и исследованиях новейших ученых. ТОМ III. СПб. 1887. - 448 с. Henry Richards Luard, D.D. Matthie Parisiensis. (Monachi Sancti Albani). Chronica Majora. VOL. IV. London: 1877; Киракос Гандзакец. История Армении. - Москва: “Наука”, 1976; Картлис Цховреба (История Грузии) –Тбилиси: “Артануджи”, 2008. Het'um the Historian's History of the Tartars. [The Flower of Histories of the East] compiled by Het'um the Armenian of the Praemonstratensian Order Translated by Robert Bedrosian Sources of the Armenian Tradition (Long Branch, New Jersey, 2004); Джованни Плато Карпини, Гильом де Рубрук. Путешествия в Золотую Орду. – Москва: “Эксмо”, 2021. – 448 с.

⁵ Усмонийлар даврида яшаган Мунажжимбоши (1631-1702 йй.)нинг “Жоме-уд дувел” асари Ибн Биби ва бошқа ўрта аср тарихчилари асарлари асосида усмонийлар ва ундан олдинги Туркия тарихи ҳақидаги муҳим асардир. Бу асарда Анадолуда қолган хоразмликлар ҳақида муҳим маълумотлар берилади. Қаранг: Münecsimbaşı, Câmîu'd-düvel: Osmanlı Tarihi, 1299-1481 (nşr. ve trc. Ahmet Ağırakça), İstanbul 1995; Яна битта Усмонийлар даврида ёзилган асар Нашрийнинг “Китоби Жаҳоннома” асаридир. Бу асарнинг II жилдида Усмонийлардан олдин Кичик Осиёдаги сиёсий ва этник жараёнлар ҳақидаги нодир асарлардандир. Қаранг: Neşri. Kitab-ı Cihan-Nüma Neşri Tarihi (2 Cilt Takım). - Ankara. 1957. – 864 s.

⁶ Киракос Гандзакец. История Армении. - Москва: “Наука”, 1976. - 359 с.

⁷ Картлис Цховреба (История Грузии) –Тбилиси: “Артануджи”, 2008. – 456 с.

Вардан Аревелци “Умумий тарих” номли асарини ёзади. Асар дунёнинг яралишидан то 1267 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Хетум Патмич (1240-1310 йй) томонидан қолдирилган илмий меросининг “Татарлар тарихи” деб номланган қисмини Роберт Бедроян инглиз тилига таржима қилган ва бу манбада Жалолиддин ҳалокатидан кейинги хоразмликлар тақдири қисман баён этилган⁸.

Инглиз йилномачиси Матвей Парижский (1200-1259 йй) Яқин Шарқдаги хоразмликларнинг салибчиларга қарши кураши ва Қуддусни эгаллашлари ҳақида маълумот беради⁹. Унинг “Chronica Majora” асари (Асосий йилномалар) ғарб тарихчилари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб нашр этилади. Асарнинг IV жилдидаги татарлар ҳақидаги бўлимида муаллиф хоразмликларнинг Яқин Шарқдаги салибчилар билан жанглари ҳақида ёзади¹⁰. Бу асар мутлақо салибчиларнинг манфаатлари нуқтаи-назаридан ёзилган бўлса ҳам XIII асрдаги Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнларни ўрганишда фойдаланадиган араб манбаларида берилмайдиган жиҳатларга ҳам эътибор қаратгани билан қимматлидир.

Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихи ҳақида мўғул ва хитой манбаларида ҳам маълумотлар мавжуд.

Номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Мўғулларнинг сирли тарихи” номли асарда Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон ўртасидаги Синд жанги ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтилган¹¹. Аммо, улар жуда қисқа бўлганлиги учун уларга тўхталиб ўтишга зарурат бўлмади.

Юқоридаги манбаларда мўғулларнинг Марказий ва Жанубий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Кавказдаги босқинчилик ҳаракатлари ҳамда уларга қарши озодлик ҳаракатлари ҳақида хабар берилади. Бу манбаларда мазкур ҳудудларда мўғуллар босқинчилигига қарши курашда фақатгина Жалолиддин Мангуберди ва Сайфиддин Қутузлар йирик ғалабаларга эришганлиги кўрсатилади. Манбаларда Жалолиддин Мангубердига ва унинг ҳалокатидан сўнг Яқин Шарқда қолган хоразмликларга айрим тарихчилар томонидан берилган сифатлар, яъни уларнинг шафқатсизлиги, босқинчилиги ҳақидаги таърифлар шу даврдаги Жалолиддин Мангуберди ёки хоразмликларга рақиблари томонидан билдирилганлигини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабдан бу манбалардан фойдаланишда шу давр давлатлари сиёсати, диний қарашлари ва мафқурасини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак бўлади.

⁸ Het'um the Historian's History of the Tartars. [The Flower of Histories of the East] compiled by Het'um the Armenian of the Praemonstratensian Order Translated by Robert Bedrosian Sources of the Armenian Tradition (Long Branch, New Jersey, 2004).

⁹ Монголы и завоевание Иерусалима ховарезмийцами. Хроника Матфея Парижского // Пер. М. М. Стасюлевича // История средних веков в ее писателях и исследованиях новейших ученых. Том III. СПб. 1887. – С. 659-661.

¹⁰ Henry Richards Luard, D.D. Matthiei Parisiensis. (Monachi Sancti Albani). Chronica Majora. VOL. IV. London: 1877. - Pp. 299-350.

¹¹ Moğolların Gizli Tarihi, trc. Ahmet Temir, TTK yay., Ankara 1995 (3.bs.), - S. 151.

Биринчи бобнинг “*Мавзунинг тарихшунослик асослари*” деб номланган параграфиди мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатига бостириб кириши, Жалолиддин Мангуберди ва унинг ортида қолган ҳарбий қисмлари ҳамда уларнинг тақдири борасида қилинган илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган. Воқеалар ҳақида маълумот берувчи манбалар каби тарихшунослик тадқиқотларининг ҳам воқеалар ривожига қарашлари хилма-хилдир.

Ғарбда ва Шарқий Осиёда¹² тадқиқот мавзусига оид илмий изланишлар XIX асрдан амалга оширила бошланган. Д’Оссон, М.Иванин, В.В.Бартольд, Б.Я.Владимирцев, Рене Груссе, Десмонд Мартин, С.Уолкер тадқиқотларининг асосий объекти сифатида Чингизхон гавдаланади. Тереза Фитцерберт, Р.П.Храпачевский каби замонавий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин¹³. Улар ўз тадқиқотларида Чингизхон ва мўғулларнинг ғарбга уюштирилган юришлари давомида уларнинг йўлига “тўғаноқ” бўлган асосий рақиблари сифатидагина Жалолиддин Мангуберди ҳақида тўхталдилар. Албатта, уларнинг бу тадқиқот ишлари ўз даврида ҳам, ҳозирда ҳам катта аҳамиятга эга. Бирок уларнинг бу қарашлари ва ёндашувлари билангина Жалолиддин Мангуберди ва унинг даври тарихини ўрганиб бўлмайди. Совет Иттифоқи даврида Жалолиддин Мангуберди тарихини ўрганишни янги босқичга кўтарган шахс - Озарбайжон халқи фарзанди Зиё Бунёдовдир. Унинг “Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231)” номли монографияси¹⁴ ҳозиргача мазкур тадқиқот иши мавзусига оид асосий асар ҳисобланади. Россияда тадқиқотчи Д.Тимохин Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ҳақида салмоқли бир қанча илмий ишларини эълон қилган¹⁵. Аммо россиялик яна бир тарихчи С.Чернявский Жалолиддин Мангуберди образи борасида мутлақо салбий руҳдаги асар ёзган бўлиб, ундан эҳтиёткорона фойдаланиш лозим¹⁶.

¹² Хитой ва Мўғулистон назарда тутилмоқда.

¹³ Carl Brockelmann. History of the Islamic People. –London: 1949; J.B. BURY, M.A., F.B.A. The Eastern Roman Empire. VOLUME IV. Cambridge At The University Press 1923; C. W. Previte-Horton. The shorter Cambridge Medieval History. Volume II the twelfth century to the renaissance. published by the syndics of the Cambridge University press London Office: Bentley House, n.w. i American Branch: New York Agents for Canada, India, and Pakistan: Macmillan. 1952. Philip K. Hitti. History of the Arabs. – London: Macmillan and co., 1937. James M. Ludlow. The ade of the Crusades. The Christian literature Co. – New York. 1896. Edward Gibbon. The Crusades.. – London. 1870. P – 73.¹³ C. E. Bosworth, M. S Asimov. History of civilizations of Central Asia – IV. UNESCO, 1998. P. – 246. James M. Ludlow. The ade of the Crusades. The Christian literature Co. – New York. 1896; Adrian J. Boas. Jerusalem in the time of the crusades. Society, landscape and art in the Holy City under Frankish rule. - London and New York: Taylor and Francis e-Library. 2005; Франческо Габриэли. “Крестовые походы. Взгляд с востока”. – Москва: Центрполиграф. 2019; James P, Boyd A.M. Story of the Crusades. Philadelphia and St Luis. 1892. Harold Lamb. Cengizhan. - Istanbul. 2007; Джек Уэзерфорд. Чингизхан и рождение современного мира. - Москва: “КоЛибри”, 2020; Jack Weatherford. Cengizhan. Istanbul; Джон Сондерс. История монгольских завоеваний. Москва. Центрполиграф. 2020; Храпачевский Р. П. Военная держава Чингисхана. — Москва. АСТ: ЛЮКС, 2005. Бартольд В.В. Сочинения I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Москва: Издательство восточной литературы. 1963; ¹³ Иванина М.И. Чингись-хан и Тамерлань. СПб.,1875.

¹⁴ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов–Ануштегинидов. 1097-1231 гг. – Баку: 1999; Бунёдов Зиё. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). - Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – 256 б.

¹⁵ Тимохин. Д.М. Соперник Чингизхана. - Москва: МБА, 2013. – 268 с.

¹⁶ Чернявский С. Империя Хорезмшахов. - Москва. Вече. 2018. – 368 с.

Эрон, Покистон¹⁷ ҳамда Туркияда¹⁸ эълон қилинган тадқиқотларда Жалолиддин Мангуберди ислом ва турк дунёсини мўғуллардан ҳимоя қилган қахрамон сифатида гавдаланади. Уларда ушбу ҳарбий қисмлар Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида мўғулларга қарши тура билган ягона куч сифатида эътироф қилинади.

Жалолиддин Мангубердининг Кавказга юриши тўғрисидаги тадқиқотларда уни босқинчи сифатида гавдалантириш “урф”га айланган¹⁹. Роберт Бедрояннинг бир нечта илмий мақолалари ва докторлик диссертациясида саркарданинг Кавказга юриши ҳақида маълумотлар келтирилади²⁰.

Араб мамлакатларида ҳам бу борада бир қанча тадқиқотлар мавжуд. Мисрлик Салим Сабрийнинг “Ислом Шарқидаги Хоразм турклари”²¹ Соллобийнинг “Сайфиддин Қутуз ва Айн Жалут жанги” номли асари²² ҳам XIII асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқдаги айюбийлар давлатининг емирилиши ва Миср Мамлуклар давлатининг ташкил топиши жараёнида хоразмликларнинг ўрни ҳақида батафсил маълумот беради.

Жалолиддин Мангуберди тарихининг Ўзбекистонда ўрганилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 408-сонли²³ қароридан кейин юқори босқичга чиқди. Мазкур юбилейга тайёргарлик жараёнида бир қанча тадқиқот ишлари – рисоалар,

¹⁷ Ghulam Rabbani Aziz. A Short History of Khuwarzamsahs, Pakistan Historical Society Publication No. 63, Karachi Pakistan, 1978. 246 p.; Rehan Ismail, The Lion of Khuwarzam & Mongol Attack, Al-Manhal Publications Karachi, 2014; Farishta, Muhammad Qasim, Tareekh-e-Farishta, Al-Meezan Publications Lahore Pakistan, Volume.4. 2008; Aslam Rahi M.A. Sultan Jalaluddin Khuwarzam shah – The wolf of the desert. Lahore. 2021. Sheikh Mohammad Hayat. Sultan Jalaluddin Mohammad Khawazim Shah. Alam-Irfan Publisher. Lahore.2016.

¹⁸KAFESOĞLU, İbrahim, Harezms̄ahlar Devleti Tarihi, Ankara 2000; Taneri A. Celalü'd-din Harizms̄ah ve Zamani. Ankara, 1977; Osman Yorulmaz, “Moğol İstilası Sonrası Kamlılar/Kanklılar”, Bilig, S. 40, Ankara 2007; Osman Yorulmaz. Kamlı türkləri. – Istanbul-Aralik: Otüken, 2012; Meryem Gurbuz. Harizms̄ahlarda devlet teshkilati, ekonomik ve kulturel hayat. – Istanbul: Istanbul üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü, 2005. Coşkun Erdoğan. Harezms̄ahlar. – Istanbul: Selenga yayınları, 2020. Geyikoğlu, Hasan, “Anadoluda Kalan Harezmliler (Horzumlular)”, Türk Kültürü, Haziran 1997; Geyikoğlu H. Harzemliler’in Türkiye Selçuklu Devleti Himaye ve Hizmetine Alınmaları // Türk Kültürü. Ankara Üniversitesi Basımevi. Mayıs, 1994; Geyikoğlu, “Suriye’deki Harezmliler’in Haçlılar İle Mücadele Ve Kudüs’ün Geri Alınmasındaki Roller”, Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi, S.1, Erzurum 1994; Erol Keleş. Doğu Anadolu’da Celâleddin Harezms̄ah’ın Faaliyetleri ve Harezms̄ah Mirası. Türk Tarihi Araştırmaları Dergisi / Journal of Turkish History Researches, Yıl/Vol. 4, Sayı/No. 2 Güz/Fall 2019; Kiliç, Mustafa, “Celaleddin Harizms̄ah’tan Sonra Anadolu ve Suriye’de Harizmliler” Cumhuriyet Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, c.V, S.2, Sivas 2001; Güzel, Fatih, “Alamut’ta Sünni Bir Şeyh: III. Hasan Nev Müselman”, İnsan ve Toplum Bilimleri Araştırmaları Dergisi, C.5/S.6, İstanbul 2016; GÖKÇE, Mehmet, Horzum Oymağından Gökçeler, Bilal Ofset yay., Denizli 1996; Şahin, Buket Yaşa, Anadolu Selçuklu Devleti İle Harezms̄ahlar Devleti Münasebetleri, Selçuk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yayınlanmamış Yüksek Lisans Tezi, Konya 2008; Yürekli, Tülay, “El-Melikü’s-Sâlih Necmeddin Eyyub Hakimiyetinde Harizmliler”, Turkish Studies, C.12/S.26, Ankara 2017; Oktay Bozan, Arafat Yaz. Celaleddin Harzemşah’in mezar yeri üzerine mulahazalar. Sultanlar şehri- Silvan Tarih – Toplum. İstanbul Cad. İstanbul Çarşısı No.: 48/48 İskitler 06070 Ankara. – S. 469-505.

¹⁹ Robert Bedrosian. Armenia during the Seljuk and Mongol Periods.

²⁰Robert Bedrosian. The Turco-Mongol invasions and the lords of Armenia in the 13-14th centuries. Columbia University PH.D. 1979. – 333 p.

²¹ D.Sabri Salim. Al-Atrok al-Khwarezmiyun fi-sh-sharqi-l-adna-l-islami. – Cairo, 2000. - 667 p.

²² Али Мухаммад ас-Соллобий. Султон Сайфиддин Қутуз ва Айн-Жалут жанги. – Қоҳира, 2009. – 428 p.

²³ <https://lex.uz/docs/2300757>

тўпламлар чоп этилди²⁴. Юбилей муносабати билан О.Бўриев²⁵, Н.Тошев²⁶, Ш.Саидов²⁷, Х.Нурмухамедов²⁸, А.Сотлиқов²⁹ тадқиқотлари тақдим этилиб, Камол Матякубов эса Зиё Бунёдов таржимаси асосидаги ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди” асарини ўзбек тилига таржима қилган ҳолда бир неча марта нашрга тайёрлади. Назарбек Каримов Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо”³⁰ асарини туркча таржимасидан ўзбек тилига ўгириб нашр қилдирди. Кейинчалик, О.Машарипов³¹, Ж.Раҳимов³²ларнинг монографиялари, Қудрат Машариповнинг “Жалолиддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни”³³ номли асарлари чоп этилди. Бироқ Ўзбекистонда Жалолиддин Мангуберди ўлиmidан сўнг унинг ҳарбий қисмлари тақдири борасида илмий иш мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган мавзу юзасидан Совет Иттифоқи давридаги тадқиқотларда Зиё Бунёдовни ҳисобга олмаганда тизим мафкураси таъсирида Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар босқинчилигига қарши фаолиятига паст баҳо берилган. Ғарб ва Шарқий Осиё тарихчиларининг асосий эътибори Чингизхонга қаратилган ҳолда унинг ҳарбий тарихини ўрганиш жараёнида Жалолиддин Мангубердига қисман эътибор қаратилганлиги, арман ва грузин тадқиқотларида эса Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳарбий қисмларини тамомила босқинчи сифатида гавдаланганлиги мисоллар билан кўрсатиб берилган. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда бажарилган тадқиқотларда асосан Жалолиддин Мангубердининг ҳалокатигача бўлган давр ўрганилиб, хоразмликларнинг тақдири борасидаги илмий ишлар мавжуд эмаслигини, бу борада Туркияда кўплаб илмий изланишлар олиб борилганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотнинг **“Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши”** деб номланган иккинчи бобида Жалолиддин Мангубердининг шаҳзодалиқ даврида унинг юксак ҳарбий маҳорати эвазига мўғулларнинг кўшини Ирғиз дарёси бўйида³⁴ Хоразмшоҳлар сарҳадларидан ҳайдаб юборилиши воқеасидан то 1231 йилда Шарқий Анадолу ҳудудларида кутилмагандаги ҳалокатигача бўлган вақт мобайнида мўғул босқинчиларига қарши курашлари ўзбек илмий жамоатчилигида ҳалигача чуқур илмий ўрганилмаган манбалар асосида таҳлил қилинади.

²⁴ “Жалолиддин Мангуберди – Ватан, юрт ҳимоячиси” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Урганч. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. 1999 йил, 22 октябрь.

²⁵ Бўриев О.Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди (Даври. Саркардалиқ фаолияти. Манбалар). – Тошкент. Фан. 1999. – 72 б.

²⁶ Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди. – Тошкент: Комолот, 1999. – 32 б.

²⁷ Саидов Ш. Султон Жалолиддин Мангуберди давлати ва жанговор ҳаракатлар харитаси. – Тошкент, 2000. – 184 б.

²⁸ Нурмухамедов Ҳ. Жалолиддин Мангуберди. – Тошкент: Фан, 1999. – 208 б.

²⁹ Сотлиқов А. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. – Хива: Хоразм Маъmun академияси, 1999. - 125 б.

³⁰ Алоуддин Атомалиқ Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. Назарбек Раҳим таржимаси. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – 504 б.

³¹ Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. Хоразмнома. 7-жилд. – Урганч: “Қуванчбек – Машхура” МЧЖ нашриёти, 2018. – 604 б.

³² Раҳимов Ж. Ватаннинг шерюрак баҳодири. – Тошкент: “Ўқитувчи” НМИУ, “Талқин”, 2015. – 528 б.

³³ Машарипов Қудрат. Жалолиддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни. – Тошкент: Ёшлар медиапринт, 2021. – 304 б.

³⁴ Ирғиз дарёси Қозоғистоннинг шимолидаги Қустанай вилояти ҳудудларида.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “*Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган жанглари (1221-1224 йй.)*” деб номланади. Мўғулларнинг Хоразм қўшини билан илк жанги Ўтрор фожеасидан бироз олдинроқ, яъни Чингизхоннинг ўғли Жўжи бошчилигидаги мўғулларнинг меркит қабилаларини таъқиб қилиши воқеаси билан боғлиқ ҳолда Ирғиз дарёси бўйида бўлиб ўтган эди³⁵. Бу жанг Жалолиддин Мангубердининг жасорати эвазига Хоразмшоҳлар ғалабаси билан тугайди³⁶.

Жалолиддин Мангубердининг Гурганчи тарк қилганидан сўнг Хоразмшоҳ сифатида мўғулларга қарши озодлик кураши тарихи саҳифаси бошланади. Ан-Насавий унинг “ўн бир йил давомида ўн тўрт марта оғир ва даҳшатли жанглар олиб борганлигини”³⁷ ёзади. Ўрта аср муаррихларининг Жалолиддин Мангуберди Наса яқинида мўғулларнинг 700 нафар жангчисини йўқ қилганлиги, Қандаҳорни камалга олган мўғулларни таслим қилганлиги³⁸, Ибн ал Асир берган маълумот - “Балак” деган жойда мўғуллар билан уч кунлик жанги ва ғалабаси³⁹, қуршовдаги Валиёнда мўғулларга қаттиқ зарба бериб⁴⁰, 9 минг душманни тор-мор этганлиги⁴¹, Парвон⁴² жангида 45 минг⁴³ кишилик душманнинг яксон бўлганлиги, Гардиз⁴⁴ яқинида эса мўғул қўшинининг олд қисми мағлуб этилганлиги⁴⁵ турли манбалар ва тадқиқот

³⁵ Тўрғай номи билан боғлиқ жой номи Ҳозирги Қозоғистон Республикасининг шимолидаги Қўстанай вилояти ҳудудида бор. Ан-Насавий бу жангни Ирғиз дарёси бўйида содир бўлганлигини билдиради. Қаранг: Шиҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. Б.28. Шу билан бирга Ирғиз дарёсининг бир ирмоғи шу жойдан ўтган. Лекин Жувайний ва Жузжоний берган маълумотларга асослансак бу ҳудуд Қошғар ҳудудлари атрофларида бўлган. Қаранг: Жузжонийнинг Табақоти Носирий асари таржимасини қилган Равертининг изоҳида бу ҳудудни Қошғар ҳудудларига тўғри келишини ёзади. Қаранг: Абу Усмон Минҳожуддин ибн Сирожиддин. Хоразмшоҳлар маликлари, Табақоти Носирий. Хоразмийлар изини излаб ... туркумидан. Жалолиддин Мангуберди фонди. “Шарқ маърифати нашр – матбаа уйи” Тошкент – 2021. Б. 77; Жувайний уни Тўқтўғон деб беради. Қаранг: Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. Назарбек Раҳим таржимаси. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – Б. 125.

³⁶ Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. Назарбек Раҳим таржимаси. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – Б. 125.

³⁷ Шиҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.19.

³⁸ Шиҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.91.

³⁹ Ibnül Esir. Islam tarihi. Turkcha tarjiması. – Istanbul: Hikmet neşriyatı, 2016. Jild. 10. – S. 247.

⁴⁰ Абу Усмон Минҳожуддин ибн Сирожиддин. Хоразмшоҳлар маликлари, Табақоти Носирий. Хоразмийлар изини излаб ... туркумидан. Жалолиддин Мангуберди фонди. – Тошкент: “Шарқ маърифати нашр – матбаа уйи”, 2021. - Б. 110.

⁴¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: “Ёш куч” нашриёти, 2019. - Б. 205.

⁴² Раверти Парвон даштини ҳозирги Чоригар ёки Чорикар ҳудудида атрофи деб беради. Ҳозир ҳам Қобулнинг шимолидаги административ ҳудуд Парвон деб номланади. Қаранг: Абу Усмон Минҳожуддин ибн Сирожиддин. Хоразмшоҳлар маликлари, Табақоти Носирий. Хоразмийлар изини излаб ... туркумидан. Жалолиддин Мангуберди фонди. “Шарқ маърифати нашр – матбаа уйи” Тошкент – 2021. - Б. 110. Бизнинг фикримизча ҳам кўп сонли отлиқ қўшин тўпланиши ва жанг қилиши учун катта дашт ёки яланглик керак бўлади. Ҳудуд географиясидан келиб чиқиб қарасак фақатгина Қобул шимолидагина икки тарафни қўшиб ҳисоблаганда 100 минг кишилик қўшин жанг қилиши учун етарлича текис майдон бор. Бу нуктаи назар Ибн ал-Асир “Қобул яқинидаги” деб берган маълумотига тўғри келади. Қаранг: Ibnül Esir. Islam tarihi. Turkcha tarjiması. – Istanbul: Hikmet neşriyatı. 2016. Jild. 10. – S. 247.

⁴³ Barthold. V.V. Moğol istilasına kadar Türkistan. Istanbul. 2019. S.450; Бунёдов Зиё. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). -Тошкент: Ғафур Ғуломномадаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б.199.

⁴⁴ Гардез. Ғазнадан 70 км шарқда жойлашган.

⁴⁵ Шиҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.109.

ишларидаги маълумотлар асосида солиштирилиб ўрганилган. Шу билан бирга 1221 йил 24⁴⁶ ноябрда Жалолоддин Мангубердининг 30 минг сонли кўшини Чингизхоннинг 80 минг сонли⁴⁷ кўшинидан мағлуб бўлиши сабаблари ва оқибатлари таҳлил қилинади. Жузжоний мазкур минтақада султоннинг уч марта мўғуллар билан жанг қилиб ғалабага эришганини ёзса⁴⁸, Қазвиний 1221 йилда Синд жангига қадар Чингизхон кўшини билан 7 марта жанг қилиб уларнинг барчасида ғалаба қозонганлиги⁴⁹, ан-Насавий ва Ибн ал Асирда эса бу воқеалар яна ҳам бошқачароқ берилганлиги сабабли тадқиқотнинг мазкур параграфида муаррихлар томонидан Хуросон минтақасидаги мўғуллар билан тўқнашувлар жойлари, талафотлар миқдори, ғалабалари ва чекиниш сабаблари тўғрисидаги бир-биридан фарқли бўлган маълумотлари қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, Жалолоддин унинг Синд дарёсининг нариги тарафида 3 йил давомида Ҳиндистонда катта муваффақиятга эришиши, у билан боғлиқ жойлар, тарихий манзиллар ўрта аср муаррихлари маълумотлари билан бирга покистонлик тарихчиларнинг тадқиқотларига суянилгани ҳолда ўрганилган.

“*Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий фаолияти (1224-1231йй.)*” деб номланган параграфда Жалолоддин Мангубердининг 1221-1231 йилларда мўғулларга қарши озодлик курашини олиб бориш билан бирга, унга қарши ҳаракат қилган Боғдод ҳалифаси, Хоразмшоҳлар давлати измидан чиқиб кетган Озарбайжон Отабекларини қайта Хоразмшоҳлар давлати таркибига киритилиши, гуржилар устига юришлар сабаблари, воқеаларнинг ривожини манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида ёритилган.

Шу билан бирга, Жалолоддин Мангубердининг бу минтақада мўғулларга қарши иттифоқ тузиш йўлида кўшни мамлакатлар – Кўния Салжуқийлари султони Аловуддин Кайкубод (1219-1236), Жазира ҳукмдори Малик Ашраф⁵⁰ ва энг асосийси Боғдод ҳалифалари билан дипломатик ҳаракатларининг самарасизлиги сабаблари асослаб берилган.

Мазкур параграфда 1227 йил 5 сентябрда⁵¹ мўғулларнинг Исфохонни эгаллаш учун келган 30 минг кишилиқ кўшинининг Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий маҳорати билан ҳайдаб юборилиши⁵², Аламут Исмоилийларига қаттиқ зарба бериши, Кўния Салжуқийлари ҳукмдори Аловуддин Кайкубод билан муносабатларининг совуқлашиши сабаблари

⁴⁶ Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.110.

⁴⁷ Машарипов Қ. Жалолоддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни. – Тошкент: Ёшлар медиапринт, 2021. - Б. 107.

⁴⁸ Абу Усмон Минҳожуддин ибн Сирожиддин. Хоразмшоҳлар маликлари, Табақоти Носирий. Хоразмийлар изини излаб ... туркумидан. Жалолоддин Мангуберди фонди. – Тошкент: “Шарқ маърифати нашр – матбаа уйи”, 2021. - Б. 115.

⁴⁹ Hamdullah Müstevfi-yi Kazvini. Tarih-i güzide. Çeviren Mürsel Öztürk. - Ankara : Türk Tarih Kurumu, 2018. S 398.

⁵⁰ Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.112; Barthold.V.V. Moğol istilasına kadar Türkistan. – Istanbul, 2019. - S.138.

⁵¹ Насавийга кўра 1228 йил 25-августда содир бўлган . қаранг: Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.172.

⁵² Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти. К.Матякубов таржимаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.171.

баён этилади. Шу билан бирга 1230 йил Яссичаман жангидан сўнг Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий қисмларини йиғишга улгурмаганлиги натижасида мўғуллар билан курашишга қўшинларни жамлай олмаганлигига эътибор қаратилади. Ҳарбий қисмларидан ажралиб қолган Жалолоддин Мангубердининг Диёрбакир яқинида қароқчилар томонидан ўлдирилиши тўғрисидаги муаррихлар берган маълумотлар ва бу борада 100 га яқин турк тарихчиларининг илмий ишлари таҳлил қилинган.

Боб якунида Жалолоддин Мангуберди мўғуллар билан курашиш жараёнида Озарбайжонда Хоразмшоҳлар ҳокимиятини қайта ўрнатгач, халқининг илтимосига кўра Озарбайжон, Аррон, Ироққа бостириб келиши кутилаётган гуржиларга қаттиқ зарба бериб, бу ҳудудларни гуржиларнинг босқинларидан, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларини эса мўғуллар босқинидан сақлаб турганлиги хулоса сифатида кўрсатилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жалолоддин Мангуберди ҳалокатидан сўнг Яқин Шарқда қолган хоразмликлар тақдири”** деб номланган. Бу бобда 1231 йилдан то 1260 йилгача Жалолоддин Мангуберди ҳалок бўлганидан сўнг Анadolу, Сурия, Ироқ, Фаластин, Ўрта ер денгизи қирғоқлари ҳамда Миср ҳудудларига тарқаб кетган ҳарбий қисмлари тақдири баён қилинади.

Бу бобнинг *“Хоразмликларнинг Кичик Осиёдаги фаолияти (1231-1237 йй.)”* деб номланган биринчи параграфида Хоразмшоҳ Султон Жалолоддин ўлиmidан то 1237 йил – Кўния Салжуқийлари султони Алоуддин Кайқубоднинг ўлдирилишигача ўтган 6 йил давомида хоразмликларнинг Анadolудаги Арзинжон, Арзирум, Нигде, Малатия, Сивос ва бошқа шарқий чегараларга жойлашганлиги, уларга бу ерларнинг берилиши сабаблари, хоразмликларнинг бу давлат ҳарбий ҳаётида тутган ўрни таҳлил қилинган. Жалолоддин Мангуберди ҳалокатидан сўнг бу минтақада қолган ҳарбий қисмлари таркибида бўлган турли туркий қавмлар ўзларининг қадимий номлари ўрнига «хоразмлик» деган номни қабул қилганлар. Сиёсий жиҳатдан хоразмликлар салжуқийлар ҳокимияти билан келишган ҳолда иш юритиши салжуқийлар ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди ва унинг рақиблари бўлган Миср, Сурия айюбий ҳокимлари устидан тўлиқ устунликни таъминлади.

Закий Валидий Тўғон ўзининг «Умумий турк тарихига кириш» номли фундаментал асарида мўғуллар сиқуви остида хоразмликларнинг юз мингдан ортиқ оилаларнинг Яқин Шарқ ва Анadolу ҳудудларига кўчганликлари ҳақидаги маълумоти бўрттириб кўрсатилганлиги таъкидланган⁵³. Бошқа манбаларда Кўния Салжуқийлари сиёсий ўзгаришлар жараёнида ўз иқтоъларини тарк этиб, Сурия ва Ироқ ҳудудларига кўчиб кетган хоразмликлар оилалари билан биргаликда 70 000 кишини ташкил этиши таъкидланади⁵⁴.

⁵³ Ahmet Zeki Velidi Togan. Umumi Turk Tarihine girish. – Istanbul: Aksiseda, 1981. – S. 150.

⁵⁴ Veli Saltik. Turkmen isyanlari. – Ankara, 2009. – S. 76.

